



Россия ФМБА Санкт-Петербург Вакцина ва сивороткалар ИТИ (СПбНИИВС) мутахассислари ислом дунёси мамлакатларида халол вакциналар ишлаб чикириш имкониятини ўрганмокда. Якин кунларда СпбНИИВС ишлаб чикириш майдончасига Малайзиянинг етакчи фармацевтика компанияси Pharmaniaga вакиллари ташриф буюрди.

Музокаralар давомида меҳмонлар Россиянинг гриппга карши вакциналарини Малайзия, Индонезия ва минтаканинг бошка мамлакатларига етказишдан манфаатдор эканлигини билдириди. Бундан ташкари, томонлар Малайзияда халол стандартига жавоб берадиган, таркибида спирт ва исломда такикланган бошка моддалар йўклиги кўзда тутилган вакциналар ишлаб чикириш имкониятини хам мухокама килдилар. Шу муносабат билан Россия ФМБА СПбНИИВС директори Виктор Трухин компания Никарагуада иммунобиологик ишлаб чикишини шакллантириш тажрибасига эгалигини таъкидлади.